

Аллоҳга муқарраб бўладиган нарсаларнинг ЭНГ ЯХШИСИ



11:00 / 20.12.2020 2438

Чоп этилган «Фунун» китобининг аввалги қисми бошида у зот раҳматуллоҳи алайҳ қуйидагиларни айтган:

«Аммо баъд: вақт сарфланадиган, нафс машғул бўладиган ва буюк Роббга муқарраб бўладиган нарсаларнинг энг яхшиси жаҳолат зулматидан шариат нурига олиб чиқарадиган илмни излашдир. Нафсимни машғул қилганим ва вақтимни сарфлаганим шу нарсадир. Мен доим уламоларнинг сўзларидан, саҳифаларидан ва қалб илҳомларидан истифода қилганларимни ёзиб бордим. Бу ёзганларим уламоларнинг мажлисларида ва фозилларнинг суҳбатларида юзага келган нарсалардир. Буларни ёзишдан умидим мен ҳам фазлнинг бир учига боғланишимдир. Бу билан жаҳолатдан узоқ бўламан. Шояд мен ҳам олдингилар эришган

нарсаларнинг баъзисига эришсам».

Ибн Жавзий айтади: «Имом Абул Вафо ибн Ақийл вафот этиши олдидан ўлим тўшагида ётганида аёллар йиғлашди! Шунда Абул Вафо: «Эллик йил Аллоҳ номидан имзо чекдим, мени тинч қўйинглар, У зотга йўлиқидан роҳатланаман», дедилар. (Яъни, бу зот инсонлар орасида содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида Аллоҳнинг ҳукмлари баён қилинадиган фатволарга имзо чекарди)».

Буюк имом фоний дунёда китоблари ва баданидаги кийимларидан бошқа мол-дунё қолдирмади. Қолган нарсалар кафанлаш ва қарзларини адо этиш миқдорига эди.

Аллоҳ таоло у зотни ўз раҳматига олиб, илм йўлидаги хизматларига улўф мукофотлар ато этган бўлсин!

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ сизни ҳам, бизни ҳам ўз паноҳида асрасин, ақлни тўғри ишлатиш, вақтдан унумли фойдаланиш ҳамда нафсни яхшиликка ва илмга одатлантириш қандай самара берганига эътибор беринг. Бу ишлар ишониш қийин бўлган даражада ҳайратомуз самараларни берган. Ҳа, барчаси рост, муболаға эмас. Бу эса саккиз юз жилдли дунёдаги энг улкан китоб ёзилиши самарасини берган. Бу китобни ва бундан бошқа баъзилари ўн жилдли йигирмага яқин китобларни биргина инсон Абул Вафо ибн Ақийл раҳматуллоҳи алайҳ ёзган.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан